

**БАҲОРГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВ ВА ТИЗМАЛАРНИНИГ
ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ ЎЗАРО
КОРРЕЛЯТИВ БОҒЛИҚЛИК**

*Азизов Бекзод Ғайрат ўғли таянч докторант
Жўраев Диёр Турдиқулович қ.х.ф.д., профессор.
Абдимажидов Жалолиддин Рахматилло ўғли
“Донли экинлар селекция лаборатория” мудири
Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти*

***Аннотация:** Мазкур мақолада баҳорги юмшоқ буғдойнинг 2021-2023 йиллардаги ўзининг қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро коррелятив боғлиқлиги тахлил қилинди. Бунда вегетация даври, ҳосилдолик, биометрик кўрсаткичлари ҳамда дон сифат кўрсаткичлари бир бири билан ўзаро коррелятив боғлиқлиги аниқланди.*

***Калит сўзлар:** нав ва тизмалар, ижоби, коррелятив боғлиқлик, баҳорги буғдой, салбий, исботланган, андоза.*

**CORRELATION OF VALUABLE ECONOMIC
CHARACTERS OF SPRING COMMON WHEAT VARIETIES
AND LINES**

***Abstract:** In this article, the correlative relationship of the economic characteristics of spring soft wheat in 2021-2023 was analyzed. In this case, it was found that vegetation duration, fertility, biometric indicators and grain quality indicators are correlated with each other.*

***Key words:** varieties and ranges, positive, correlative relationship, spring wheat, negative, proven, pattern.*

**СООТНОШЕНИЕ ЦЕННО-ХОЗЯЙСТВЕННЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ
СОРТОВ И ЛИНИЙ ЯРОВОЙ МЯГКОЙ ПШЕНИЦЫ**

Аннотация: В данной статье проанализирована корреляционная связь экономических характеристик яровой мягкой пшеницы в 2021-2023 годах. При этом установлено, что продолжительность вегетации, плодородие, биометрические показатели и показатели качества зерна коррелируют между собой.

Ключевые слова: сорта и ареалы, положительная, корреляционная связь, яровая пшеница, отрицательная, доказанная, закономерность.

Баҳорги юмшоқ буғдойнинг 2021-2023 йиллар давомида Қарши тумани шароитида етиштирилган рақобатли нав синаш кўчатзорида 25 та нав ва тизмалар белги хусусиятларини ўзаро коррелятив боғлиқликлари ўрганилди ва уч йиллик ўртача натижалар таҳлил қилинганда қуйидаги натижалар олинди. Оптимал муддатда экилган тажрибада униб чиқишдан бошоқлашгача бўлган ва вегетация даври ўртасида ижобий коррелятив $r=0,51$ мавжудлиги аниқланди.

Вегетация даври ва ИДК кўрсаткичи $r=0,45$ ижобий коррелятив, бошоқчалар сони $r=-0,46$ ҳамда 1000 дона дон вазни $r=-0,29$ салбий корреляция мавжудлиги таҳлил қилинди. Шунингдек ҳосилдорлик омилининг юқори бўлиши ҳамда дон сифат кўрсаткичлари билан корреляция боғлиқлик ўрганилганда ҳосилдорликни ошишига сабаб ўсимликнинг бўйи $r=0,50$, охири буғин узунлиги $r=0,32$ ижобий боғлиқлик борлиги, ва 1000 дона дон вазни $r=0,52$, бошоқ узунлиги $r=0,50$, бошоқчалар сони $r=0,64$ кучли корреляция мавжудлиги исботланди.

Бунга кўра бошоқчалар сони ва 1000 дона дон вазни $r=0,40$, дон шишасимонлиги $r=0,30$ ижобий корреляция мавжуд бўлса ўсимлик бўйи ва охири буғин узунлиги $r=0,93$, бошоқ узунлиги $r=0,59$, барг хлорофилл миқдори эса $r=0,62$ кучли корреляция борлиги аниқланди.

Нав ва намуналарнинг иссиқликка чидамлилигини аниқлашда энг асосий ўринда ҳосилдорликни юқори бўлиши ва дон сифат кўрсаткичларининг ошишига ҳам олиб келади. Биламизки ҳосилдорлик юқори бўлса оқсил миқдори тушиб кетади. Агарда оқсил миқдори ошса

ҳосилдорлик тушиб кетади негаки ҳосилдорлик билан оксил ҳар доим тескари кореллятсия юзага келади Натижаларга кўра дон ҳосилдорлиги ва дондаги оксил миқдори $r=0,21$, дон шишасимонлиги $r=0,22$ мавжуд бўлса дон ҳосилдорлиги билан салбий кореллятив боғлиқлик бор. Клейковина миқдори $r=0,42$ эса дон ҳосилдорлиги ўртасида ижобий кореллятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланган бўлса дон ҳосилдорлиги ва ИДК ўртасида эса $r=-0,12$ салбий корреляция эга эканлиги исботланди (1-жадвалда кўрсатилган).

1-жадвал

Нав ва тизмалар хусусиятларини ўзаро коррелятив боғлиқликлари (Қарши, 2021-2023й)

Белгиларни ўзаро коррелятив боғлиқлиги	Бошоқлашгача бўлган кун	Вегетация даври, кун	Ҳосилдорлик, ц/га	Клейковина миқдори, %	ИДК кўрсаткичи	Бошоқчалар сони, дона	Ўсимлик бўйи, см	Охириги бўғин узунлиги, см	Оксил миқдори, %	Бошоқ узунлиги, см	1000 дона дон вазни, гр	Барг хлорофилл миқдори
Вегетация даври, кун	0,51											
Ҳосилдорлик, ц/га	0,14	-0,47										
Клейковина миқдори, %	-0,31	-0,57	0,42									
ИДК кўрсаткичи	0,14	0,45	-0,12	-0,20								
Бошоқчалар сони, дона	0,06	-0,46	0,64	0,48	-0,19							
Ўсимлик бўйи, см	-0,14	-0,55	0,50	0,63	-0,35	0,60						
Охириги бўғин узунлиги, см	-0,23	-0,44	0,32	0,58	-0,28	0,52	0,93					
Оксил миқдори, %	-0,14	-0,28	0,21	0,42	-0,40	0,67	0,70	0,62				
Бошоқ узунлиги, см	-0,23	-0,50	0,50	0,46	-0,29	0,79	0,59	0,59	0,67			
1000 дона дон вазни, гр	0,03	-0,29	0,52	0,14	0,08	0,40	0,50	0,44	0,59	0,43		
Барг хлорофилл миқдори	0,20	0,64	0,51	0,47	0,41	0,52	0,62	0,45	0,50	0,40	0,34	
Дон шишасимонлиги, %	-0,22	-0,19	0,22	0,27	-0,42	0,30	0,51	0,54	0,50	0,28	0,04	0,41

Қишлоқ хўжалик экинларининг маълум бир маҳсулдорлик унсурлари ўртасида коррелятив боғлиқликни ўрганиш селекция жараёнида катта аҳамиятга эга эканлиги исботланган. [1;23-27-б, 2;4-6-б, 95;].

Олиб борилган тадқиқотларимизда клейковина миқдори билан коррелятив боғлиқли бўлган кўрсаткичлар бошоқчалар сони $r=0,48$, охириги

буғин узунлиги $r=0,58$ кучли, оксил миқдори $r=0,42$, бошоқ узунлиги $r=0,46$ кучли ижобий боғлиқли аниқланган бўлса ИДК кўрсаткичи $r=-0,20$ салбий кореллятив бор эканлиги олиб борилган тадқиқотларда яна бир бор ўз исботини топди.

Хулоса

2021-2023 йиллар давомида рақобатли нав синаш кўчатзоридида 25 та нав ва тизмалар белги хусусиятларини ўзаро кореллятив боғлиқликлари ўрганилганда вегетация даври ва ИДК кўрсаткичи $r=0,45$ ижобий кореллятив, ҳосилдорликни ошишига сабаб ўсимликнинг бўйи $r=0,50$, охириги буғин узунлиги $r=0,32$ ижобий боғлиқли борлиги, ва 1000 дон дон вазни $r=0,52$, бошоқ узунлиги $r=0,50$, бошоқчалар сони $r=0,64$ кучли корелляция мавжудлиги исботланди. Дон сифат кўрсаткичларида эса дон ҳосилдорлиги ва дондаги оксил миқдори $r=0,21$, дон шишасимонлиги $r=0,22$ мавжуд бўлса дон ҳосилдорлиги билан салбий кореллятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланди ва селекциянинг кейинги босқичига ўтказилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Вареница Е.Т., Кочетўгов Г.В. О закономерностях формообразования в гибридных популяциях реципрокных и возрастных внутривидовых скрещиваниях яровой мягкой пшеницы. Докладў ВАСХНИИЛ. 1978. №1, С. 4-6.
2. Марченкова, Л.А., Давыдова, Н.В, Fleming, A.L lar “Molecular snp marking of spring wheat by tadr1 gene on the drought resistance”// Eurasian Journal of Applied Biotechnology. No.4, 2022y
3. Дмитрий В. Русаков, Елена В. Канаш “Диффузное отражение спектральных свойств листьев в условиях почвенной засухи: исследование засухоустойчивых сортов мягкой яровой пшеницы.”
4. Алексеев, А.М. Водный режим растений и влияние на него засухи/– Казань: Татгосиздат, 1948.– 355с.